*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ШАНБА СОНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 225 (9871). • 1990 йил 24 ноябрь • Баҳоси 5 тийин.

*• Ўзбекистон— Украина*

## ҲАМКОРЛИК ОРБИТАЛАРИ

**● 22 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Украина Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукуматлари ўртасида 1991—1995 йилларда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.**

Битимни Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан Украина ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси В. П. Фокин имзоладилар.

Ушбу ҳукуматлараро битим жумҳуриятларнинг мустақиллигига ва улар ўртасида юзага келган анъанавий иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларга асосланиб тузилганлиги таъкидланди. Томонлар, жумладан, 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб бериш 1990 йилда белгиланган даражадан кам бўлмаслиги, бундан кейин уларнинг ҳажмини ўзаро мақбул асосда бараварлаштириш юзасидан тадбирлар кўриш хусусида келишиб олдилар. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳамда бозор муносабатларига ўтишни эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш борасидаги бевосита хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, ўрнатиш ва кенгайтиришга ҳам ёрдам берилади.

Ҳамкорликнинг кенг кўламли хилма-хил йўналишлари белгилаб олинди. Бу умумиқтисодий муаммолар ва молия-қарз сиёсати, ижтимоий соҳа ва миллий маданиятни ривожлантириш, истеъмол бозори ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти, информатика ва экология, саноат ишлаб чиқариши тузилмаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳамда бошқа йўналишлардир.

Ҳамкорлик дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи қўшма ишчи комиссиясини тузиш, унда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали асосда амалий алоқаларни янада ривожлантиришни назарда тутиш зарурлиги эътироф қилинди.

Иқтисодиёт ва хўжалик идоралари вакилларидан доимий ишлайдиган амалий ҳамкорлик мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳам тузиладиган бўлди.

(ЎзТАГ—Укринформ).

## Президент дастурини қўллаб-қувватлаймиз

**ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакат Олий Кенгаши сессиясида 17 ноябрь куни илгари сурган дастури халқимиз томонидан қониқиш билан кутиб олиниб, қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, вилоят шаҳар ва ноҳияларидаги турли меҳнат жамоалари вакиллари бу нутқда билдирилган мулоҳазалар ўз фикр-ўйларига монанд эканини таъкидламоқдалар.**

**Ш. УМАРОВА,**
**Кўз касалликлари жумҳурият шифохонаси ходими**

ССЖИ Президенти нутқини ойнаи жаҳон орқали тингларканман, унинг ҳар бир таклифи ҳаққоний эканлигини ўзимча таъкидлаб ўтирдим. Чиндан ҳам давлат ҳокимиятининг тузилишини зудлик билан ислоҳ қилиш лозим. Аввало давлат раҳбари таъкидлаганидек, марказдаги ижроия ҳокимиятни дарҳол қайта қуриб, у Президентга бўйсундирилиши керак. Ишончим комилки, ўшанда ҳукумат ҳам обрўлироқ бўлади.

Иттифоқ шартномаси ҳақидаги фикрлар ҳам ғоят ўринли. Чиндан ҳам иттифоқни янгилаш ва сақлаб қолиш лозим.

Умуман Президент ўз нутқида таъкидлаганидек, адоват ва ваҳима уруғларини сочишга барҳам бериб, олға томон дадил ҳаракат қиладиган вақт келди.

**Д. ЖАББОРОВ,**
**«Ташметрострой» лаҳмчиси**

Сўнгги пайтда жиноятчиликнинг ортиб бораётгани ҳақида кўп гапирилди. Буни турли сабаблар билан боғлашди. Лекин назаримда М. С. Горбачев ўз нутқида бир нарсани жуда тўғри таъкидлади: ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ишига ҳамма жойда, ҳамманинг ёппасига аралашаверишига барҳам бериш зарур, бу нарса мазкур органларнинг ишига ҳалақит бермоқда.

Президент дастуридаги менга энг маъқул тушган жумлалар қуйидагилар бўлди: «Мен давлатни парчалаб юборишга, ҳудудларни қайтадан тузишга, халқларнинг азалий алоқаларини бузишга қатъиян қаршиман». Тўғри-да, кейинчалик бирлашиш учун аввал ажралиш керак деяётганлар наҳотки чиннини синдириб, кейин чегалаган билан у сифатлироқ бўлиб қолмаслигини тушунишмаса? Бир сўз билан айтганда Президент дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

*• Устав лойиҳаси муҳокамада*

## ПАРТИЯ ОБРЎСИНИ КЎТАРАЙЛИК

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳаси эълон қилинди. Мен ҳам партия фахрийси сифатида кўпчилик қатори ушбу партиявий ҳужжатни ўқиб чиқдим. Лойиҳада ҳақиқатан ҳам айни пайтда кўпчиликни ўйлантириб келаётган муаммолар ўз аксини топган. Лекин менинг фикримча унинг матни бироз чўзилиб кетган. Шу билан бирга лойиҳанинг VIII боби яъни «Ўзбекистон Коммунистик партияси фаолиятини тўхтатиш тартиби» менга умуман ёқмади. Чунки биз коммунистлар кейинги пайтларда партиямизнинг обрў-эътиборини қандай қилиб бўлса ҳам кўтаришга ҳаракат қилишимиз керак. Лекин бу ерда «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фаолияти у бошқа сиёсий ташкилотлар билан бирлашган ёки қўшилиб кетган тақдирда бўлиниши ёхуд ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида тўхтатилиши мумкин» дейилган. Мен кекса партия ходими сифатида умуман ушбу бўлимни Устав лойиҳасидан олиб ташланиши тарафдориман.

**И. С. СЕКРЕТАРЕВ,**
**1919 йилдан КПСС аъзоси.**

## БАЙНАЛМИЛАЛЛИК УСТИВОР БЎЛСИН

Мен КПСС сафларига мамлакатимиз тарихининг суронли йилларида — Улуғ Ватан уруши даврида кирганман. У пайтлар партияга қабул қилинишини ҳар бир киши ўзи учун катта бир шараф деб билар, зиммасига улкан масъулият олаётганини яхши ҳис қиларди. Ҳозирчи.:.

Демократия, ошкоралик томон йўлимизни баъзилар сафсатабозлик, беандишалик томон буриб юборишга уринаяпти. Мен Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бўлажак Уставида ана шундай кишиларга, айниқса қўлида партия билети бўла туриб, коммунист номига ярашмайдиган, ножўя ишларга бош қўшаётганларга қарши қатъий чоралар кўриш ҳақида жумлалар қўшиш тарафдориман.

Ўзим қозоқ миллатига мансуб бўлишимга қарамай, узоқ йиллардан бери ўзбеклар билан апоқ-чапоқ яшаб келмоқдаман. Фақат миллатлараро дўстликкгина тинч ва осуда ҳаёт гарови эканлигига ишончим комил. Шунинг учун ҳам, Устав лойиҳасининг кириш қисмидаёқ байналмилаллик ҳақидаги ижобий гаплар борлиги менга маъқул бўлди. Умуман Уставда бу борадаги жумлалар янада бўрттириброқ берилишини истардим.

**Азим МУҲАММАДЖОНОВ,**
**шахсий пенсионер.**
**1944 йилдан КПСС аъзоси.**

## МУШКУЛ ДАМЛАРДА ҲАМ СОДИҚМИЗ

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти бу йил ўз сафларига ўн саккиз кишини қабул қилди. Унинг таркибидан саккиз киши чиқиб кетди.

Ёш коммунистлар ўзлари ҳақида гапиришни унча хуш кўрмайдилар, уларнинг фикрича ҳозир кишидан асосан ҳалол меҳнат, интизом ва масъулият талаб қилинмоқда. Лекин улар ўзлари ҳурмат қиладиган ўртоқлари ҳақида узоқ гапиришлари мумкин.

Л. Панова бир вақтлар иккита чоғроқ цехни бирлаштириш ташаббускори бўлиб чиққан эди. У бу цехга бошчилик қилиб ишни шундай ташкил этдики, натижада жамоа режани бажарибгина қолмай, мунтазам равишда ошириб адо этмоқда.

— Коммунист-раҳбаримиз ҳамма ишни уддалаётганида ҳеч қандай сир йўқ, — дейди шу цех технологи З. Юнусова. — Ўз ишида у аввало жамоага таянади. Керак бўлиб қолганида ҳар бир кишига ёрдам беришга тайёр. Натижада одамлар ҳам, табиийки, уни ҳурмат қилишади.

Улар фақат ўз цехларида яхши ишлаш билан чекланишмаяпти, қўшниларга ёрдам бериш лозим бўлиб қолганида улар махсус бригада тузишди. Бу бригадага ёш партия аъзоси, технолог З. Юнусова ҳам кирди. Ҳамкасбларнинг иши билан танишиб чиққач, технология занжирини ўзгартириш керак, деган хулосага келишди. Бу ерда айрим ускуналарнинг ўрнини алмаштириб, технология жараёнини такомиллаштиришди. Цех шу ойдаёқ режани бажарди. Иш тўхтаб қолмаслиги учун беш юз дона ярим тайёр маҳсулот ғамлаб қўйилди.

— Албатта, мен коммунист бўлмаганимда ҳам ёрдам берардим, — деб давом эттирди суҳбатни З. Юнусова. — КПСС сафига кирар эканман, партияга қўлимдан келганча ёрдам бермоқчиман.

Корхона ходимлари А. Стотланд, А. Азимов, М. Исломова ва бошқалар ҳам шундай мақсад билан коммунист бўлишди.

Бирлашма касаба уюшмаси комитетининг бухгалтери А. Стотланд мана икки йилдирки, Москвада касаба уюшмаси академиясида сиртдан ўқимоқда.

— Мен у ерда сўнгги бор бўлганимда, — деб ҳикоя қилади у, — айрим муаллимлар партияга ўтиш учун шошилмасликни маслаҳат беришди. Замон нотинч, шамол қаёққа эсиб қолиши номаълум, дейишди. Номзодлик стажим ўтиб бўлганидан кейин, мен ариза ёздим. Мен бундан афсусланмайман. Ўзбекистон Компартияси жумҳуриятдаги барча соғлом кучларни ўз атрофида бирлаштиришга қодир бўлган ягона реал сиёсий куч эканлигига ишончим комил. Умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган партия ҳужжатлари ҳам шундан далолат бермоқда.

Бу ҳужжатларни ёш коммунистлар ҳам, ветеранлар ҳам жиддий ўрганишмоқда.

— Бизнинг партия ташкилотимиз сафида 485 киши бор, — дейди бирлашма партия комитетининг котиби Т. Собитов. — Ёш коммунистлар унинг учун яхши қўшимча куч бўлишларига аминман.

**В. ДРАЧЕВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## • ЁШЛАР САҲИФАСИ •

*• Келажагимиз— ўз қўлимизда*

# УМР БЕҲУДА ЎТМАСИН

Анчагина қоронғу тушиб қолган эди. Тошкент марказидаги кўп қаватли бинолар билан қуршалган кенг ва равон йўлдан кетар эканман, йўл чеккасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтирган ўсмирлар диққатимни ўзига тортди. Шу пайт хаёлимдан: «Ҳозир шу ёшлар нима ҳақда ўйлаяптилар. Уларнинг келажак ҳақидаги фикрлари қандай? деган савол ўтди.

Шунга жавоб топиш мақсадида улардан бирини суҳбатга тутдим. Озғингина, рангпар бу ўсмир суҳбатимиз чоғида ўзини бепарво тутар, унинг чеҳрасида қандайдир лоқайдлик бор эди.

— Нечанчи синфда ўқийсан?
— Саккизинчи синфда.
— Ўқишга қизиқасанми?
— Йўқ.

— Нима учун?

— Мактабга борсам юрагим сиқилади. Бормасликка эса дадамдан қўрқаман.

— Ўзинг бирор нарсага қизиқасанми?

— Илгари қизиқардим, ҳозир эса... (У калласини лиқиллатди).

— Нимага қизиқардинг?

— Турли хил авиамоделлар ясашга. Учувчи бўлмоқчийдим.

— Энди-чи?

— Ҳеч нарсага қизиқмайман. Фақатгина кечки пайтларда мана шу ерга келиб ўтирамиз. Ҳар ким ўз уйидаги воқеалар ҳақида гапиради, уларнинг кўпчилиги ҳафа.

— Нега?

— Билмайман, ҳеч қайсиларида пул йўқ, ота-оналари эса беришмайди.

Мен шу ерда ўтирган иккинчи бир ўсмирни суҳбатга тортдим. У биринчи суҳбатдошимдан фарқли ўлароқ, миқтидан келган, кўзлари олма-кесак териб турган 13—14 ёшлар чамасида эди.

— Шу ерда ўтириш сенга ёқадими?

— Ҳа, албатта. Уйда нима бор ахир. Зерикиб ўласан киши.

— Бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасини танийсанми?

— Йўқ. Баъзиларини танийман. Нариги уйлардан ҳам келиб туришади. Ёши катталар ҳам бор.

— Сигарета чекишадими?

— Ҳа, гоҳида бизга ҳам беришади.

— Беришмаса чекмайсанми?

— Чекмасдим. Лекин сийлашса қайтармайман.

Ҳар хил феъл-атворли ва турли ёшдаги ўсмирлар ҳақида ўйлар эканман, биз кейинги пайтларда уларга нисбатан талабни жуда сусайтириб юбормаяпмизми? деган фикрга келдим. Бу фикримнинг боиси бор, албатта. Мана шу кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи ўқувчи ҳар куни эрталаб мактабга боради. Агар мактаб ўқитувчилар жамоаси уни ўқишга қизиқтира олса яхши, лекин бунинг акси бўлса-чи? Бундай ҳолда у мактабга истар истамас қатнайди, мактабдан бўш пайтларида эса зерикади. Охир оқибатда зерикишдан чекишга ўрганади, ёки бўлмаса жиноят йўлига киради. Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида жиноятчилик кўпайиб кетди, дея жар солаётганимизнинг асосий сабабларидан бири шунда эмасми?

Маълумки, киши ёшликдан бирон-бир фанга ёки бўлмаса касб-ҳунарга эътиқод қўйиши керак. Юқоридаги ўсмир ҳам қачонлардир авиамоделга қизиққан, лекин унинг қизиқишини ўқитувчилари, ота-онаси ўз вақтида пайқай олишмаган. Натижада эса унинг кўнгли совиб, лоқайд бир кайфиятга берилган. Мана шу лоқайдлик оқибатида эса киши ҳаёти мазмунсиз кечади. Шу ўринда мактаб педагоглари ҳам болалардаги меҳнатга кўникма ҳиссини уйғотишда муҳим роль ўйнашлари лозим.

Яқинда Тошкент шаҳридаги бир ўрта мактаб ўқитувчилари билан ота-оналар ҳамкорлигида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда ота-оналар сўзга чиқиб, кейинги пайтда иш билан банд бўлиб, болаларига яхши қарай олмаётганликлари ва шу билан бирга уларнинг айрим хатти-ҳаракатларидан норози эканликларини айтиб, бутун айбни ўқитувчиларга қўйишди. Ўз навбатида эса ўқитувчилар ҳам болаларнинг кунда беш-олти соат мактабда бўлишлари ва қолган вақтларда уйда бўлишларини айтиб, болаларга яхши қаролмаётганликлари учун ота-оналарни айблашди.

Қизиқ бир ҳолат. Ахир қачонгача мактаб ота-онага, ота-она эса мактабга бутун айбни ағдаради.

«Қарс икки қўлдан чиқади», дейди доно халқимиз. Мактаб жамоаси билан ота-оналар бир-бирларини қўллаб, тўғри тушунган ҳолда ишласаларгина бу камчиликларга барҳам бериш мумкин. Шу ўринда мактаблардаги, шу жумладан ҳунар-техника билим юртларидаги айрим педагогларнинг лоқайдлигига ҳеч тоқат қилиб бўлмайди.

Узоқ йиллар партия ва совет органларида ишлаган бир танишим илгари ФЗУда ўқиб тарбияланганлиги ва ўша пайтдаги тартиб-қоидани ҳали-ҳали ҳурмат билан эслаб юради. Бирон-бир байрам ёки бошқа бир йиғилишлар бўлиб қолса, кечаси билан уст-бошимизни дазмоллаб, оёқ кийимларимизни ялтиллатиб тозалардик, дейди у. Энди-чи? У яқинда содир бўлган бир воқеани гапириб берди.

Бир куни ҳунар-техника билим юртида ўқийдиган жияни стипендия олган экан. Ўша билим юртининг ўзида тўртта бола уни қўрқитиб, пулини олишмоқчи бўлишибди. У эса бермабди. Шу безори болалар кечаси унинг уйига келиб кўчага чақириб калтаклабдилар. Ўғлининг бу ҳолатини кўрган отаси: Мен билим юртида ўғлимни ўқитиб, ҳунарманд қиламан, деб ўйлаган эдим. Лекин янглишган эканман, дея билим юртидан ўғлини чиқариб олибди.

Кейинги пайтларда билим юртларидаги бундай салбий ҳодисаларни кўплаб эшитаяпмиз. Бунга ахир ким айбдор? Бунинг сабабчилари билим юртларидаги айрим билим савияси паст бўлган ўқитувчи ҳамда тарбиячилар бўлса керак. Тўғри, у ерда ҳам ўз касбларининг билимдонлари бўлган кишилар ишлашади. Лекин кўпчилигида бундай мураккаб билим ва тарбия даргоҳида ишлаш салоҳияти етишмаяпти, чоғи. Ваҳоланки истеъдодли педагог Макаренко кўпгина безори болаларни тарбиялаб, уларни касбли, оилали қилган.

Айрим ёшларимизда ўрта мактабдан сўнг енгил-елпи ишларга мойиллик сезилмоқда. Мисол учун ҳозир кооператив усулда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотаётган кишиларнинг аксарияти айни кучга тўлган ёшлар. Тўғри, улар ҳам бекор юрмаяптилар, ишлаяптилар. Лекин чуқурроқ ўйлаб қаралганда уларнинг иш жойлари ўша ер эмас-ку. Ёки бўлмаса овоз ёзиш студияларидаги ёшларни олайлик. Улар ҳам олтиндан қиммат дамларини шу хилда бесамар ўтказаяптилар.

Кейинги пайтларда ноҳия, вилоят комсомол комитетларининг вакиллари турли маҳаллаларга келиб ёшлар билан дилдан суҳбат ўтказганликларини эслай олмаймиз. Шу билан бирга турли стадионлар, маданият уйлари, қуриб ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга оид кўплаб тадбирлар ишлаб чиқишимиз даркор.

Биз шу пайтгача ёшлар — бизнинг келажагимиз, деган шиорни қўллаб келдик. Тўғри, келажак ёшлар қўлида. Улар қанчалик маънавий бой, пок, ҳамда жисмонан бақувват бўлиб ўссалар келажак ҳам шунчалик гўзал бўлади. Бунинг учун эса уларнинг ҳар бир куни маъносиз — беҳуда ўтмасин. Биз кўплашиб шунга ҳаракат қилайлик.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

# ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТАЛАР

● **НАФОСАТНИ** ҳис қила билиш, гўзалликка чинакам ошуфталик инсонда болалик йилларидан бошланади. Шунинг учун ҳам, ҳақиқий санъат соҳибларини тарбиялаш ишига ўғил-қизлар анча ёшлигидан бошлаб киришилади. Қолаверса, бунинг учун қунт ва сабр-қаноатли, ўз билганларини шогирдларига тоқат билан ўргата оладиган, истеъдодли мураббийлар зарур. Ана шу омиллар тўкис мужассам бўлган жойдагина мукаммал санъат асарлари ярата оладиган бекаму-кўст санъаткорлар пайдо бўлиши мумкин.

Пойтахтдаги болалар бадиий ижодиёти жумҳурият маркази жамоаси аъзолари буни яхши тушунишади. Бу ерда ёш авлодни санъат сирларидан воқиф қилиш мақсадида турли студиялар ишлаб турибди. Уларга Ўзбекистон санъатининг таниқли усталари раҳбарлик қилмоқдалар. Хусусан, ана шундай студияларнинг бирига халқ устаси, ССЖИ рассомлар уюшмаси аъзоси Чўлпон Содиқов бошчилик қилаяпти. Қирқ тўққиз йилдан бери Тошкентдаги сопол бўйича амалий санъат экспериментал ижодий комбинатида ишлаётган бу одам болаларга ўз санъатидан сабоқ бермоқда.



● **СУРАТЛАРДА:** уста Ч. Содиқов шогирди Миродил Ҳидоятовга лойдан идиш ясаш усулларини ўргатмоқда; келажакда мусаввир ва ҳайкалтарош бўлиб етишишни орзу қилаётган болалар пластилиндан турли шакллар ясашмоқда.

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ.




# ЎТИРГАН ҚИЗ ЎРНИНИ ТОПАДИМИ?

Ушбу иборани тез-тез эшитиб турамиз. Яна бу гап шундай бир қониқиш билан айтиладики, ўша қизлар дунёда энг бахтиёрдек кўриниб кетади, кўзимизга. Аслида ҳам шундаймикан, дея сўрайман ўзимдан-ўзим. Биринчидан, ўтирган қиз ўрнини топиб кетиши жуда қийин. У аввало тенгини топиши керак. Тенги бўлса, албатта, кўп ҳолларда аввал уйланган бўлади. Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчидан, бузилган тахт устига ўзининг бахтини қурмоқчи бўлганлар чинакам мустаҳкам оила қўрғони қура олармикан? Аввал уйланган йигит билан оила қуриб яшаб кетиш, менимча, қаҳрамонлик. Не-не тоза ҳисларни, соғинчларни, дил қатидаги ҳануз юз очмаган ғунчадек покиза ниятларни, тонг шабнамидек тиниқ умидларни қалбнинг энг чуқур жойига ҳар куни бир марта кўникиш, кўниш каби ҳиссиз туйғулар билан кўмиб, қайта-қайта шуваб ташлайвериш осон эмас.

Ўзбек оилаларида ўсаётган қиз болани нурга қиёслайман. Қизи бор оилалар кўзимизга файзли, ҳавасли, бағри бутун кўринади. Гулдек бўйларига қараб ҳар куни битта атлас кўйлак олиб бергимиз келади. 15-19 яшар қизларнинг қошига ўсма қўйиб кўзгу қаршисида хаёлчан туришларини кузатганимда бу оламда бахтсизлик, кўз ёшлари, фиғон ва аламлар борлигини унутаман. Уларнинг нақш олмадек юзларидаги ширин кулгичлари билан жилмайиб кулишларини кўрганимда эса бу қадар покизаликка, тиниқликка, бокираликка қайта-қайта мафтун бўлавераман.

Йигирма беш-ўттиз яшар қизларнинг маъюс боқишлари, эҳтиёткорликлари, жиддийликлари, меҳнатсеварликлари ва босиқликларини кўриб, беихтиёр юрагимнинг қаеридир эзилаверади. Агарда бу қизлар уқувсиз, тарбиясиз ёки нопок бўлганларида бошқа гап эди. Бироқ улар рисоладагидек ажойиб, чаққон, пазанда, хуллас бир уйнинг муносиб бекаси бўлгудек. Удумимизга кўра қиз бола ўн етти-ўн саккиз ёшга тўлганда эшиги остонасидан совчилар аримай қолади. Биз эса унинг ўқишини, ишини рўкач қилиб рад жавобини қалаштириб ташлайверамиз. Ёки қизга йигит ёқмайди ва ҳоказолар. Кўпчилик қизлар билан суҳбатлашиб уларнинг йигит танлашларига ҳайрон қоламан. Ичмайдиган, чекмайдиган, олий маълумотли, яхши лавозимли, иложи бўлса машинали... дейдиганлар ҳам талайгина. Мен эса битта ҳақиқатни айтгим келади: йўқ, қизлар, бу дунёдан ҳеч бир зот беармон ўтган эмас. Ҳар тўкисда бир айб деганларидек, айбсиз инсон ҳам бўлмайди, бўлмаган ҳам. Демоқчиманки, арзимаган баҳона топиб, ажабтовур йигитлардан камчилик қидираверманглар. Аслида ҳаётнинг қизиғи камчиликларни тўлдириб, кемтикларни бутлаб, бир инсонни бахтли қилиб яшашдадир.

Таниш сингиллардан бири аввал уйланган йигитга турмушга чиқди. «Кўникиб кетсам керак дегандим. Ҳар бир ҳаракатидан менда норозилик туғилаверади, дейди у. Ахир менга айтган ширин сўзларини қачонлардир бошқага ҳам айтган-ку, деб такрор-такрор ёдлайвераман. Ота-онамнинг мен севган йигитнинг камбағал, ўқимаганлигини пеш қилиб, унга бермаганликларини дилим вайрон бўлиб эслаб қўяман. Тўғри, ейишдан, ичишдан камим йўқ. Барча айтганларим бисёр, бироқ қалбим ҳар кеч ўртаниб йиғлайди». Мен эса уни овутаман: Сенга ўхшаганлар минглаб топилади. Ҳар нарсага ўксийверасанми, одам деган сал дийдаси қаттиқ, кўникувчан, бўлар-бўлмасга кўз ёш қилмайдиган бўлади. Сенга ҳаваси келаётганлар қанчадан-қанча. Мана, шунча рўзғор қилиб, неча йилдан буён тинмай ишласам ҳам сенинг устингдаги кийимлару тақинчоқларга ҳануз қурбим етмайди... Аслида унинг ҳолини тушунадиган бўлсам қалбим унга қўшилиб, ҳар куни нола чекади. Бу қизда не гуноҳ эди, ҳар кеч бир ўртаниш учун дунёга келганмиди. Бахтиёрликнинг аллаловчи бешигида ўз тенги билан эркаланиб, шукроналик билан яшашга ҳаққи бор эди-ку. Афсуски, ота-она орзуси унинг «ўтириб» қолишига ва ўзи севмаганга турмушга чиқишига сабаб бўлди.

Донолар «ҳаётда бўйингга тенг бўй топиш мумкин, бироқ кўнглингга тенг кўнгил топиш мушкул», деб бекорга айтишмаган. Мен эса ҳар бир қизнинг кўзлари бахтдан порлашини, сўзларида, кулишларида, юришларида фақат бахтнинг ифори анқиб туришини жуда хоҳлайман.

Сизларни ёдга олар эканман, дилингизнинг қайсидир оғриқ нуқтасига тегиб ўтган бўлсам узр сўрайман, қизларжон. Сиздаги умид учкунлари оловнинг тафтига айланиб, ҳақиқий бахтнинг остонаси сари етакласин. Ҳамиша ўрнингизни эмас, тенгингизни сўранг. Борди-ю, ҳеч кимни севмаган бўлсангиз жуда ҳам афсусланманг. Ота-она рози бўлганига кўнаверинг. Чунки улар ўз фарзандини ҳеч қачон ўтга ташламайди. Севги эса... баъзан тўйдан кейин ҳам туғилаверади. Биз инсонлар ҳаёт қонунлари олдида ожизлигимизни унутмаслигимиз керак.

**Анора ХУДОЙҚУЛОВА,**
Оққўрғон шаҳри.

## ДУНЁ ... ҚАЙТАР

### ЧАЁН ОНА ҚИСМАТИ

Ҳар бир қуш ҳаётда яшаш ва бола очиш учун курашади. Бу қушларнинг ин қуришини ҳеч кузатганмисиз? Ўз оғзида лойни пишитиб, лойдан наққошдек уя қурган қалдирғоч, хас-чўпдан худди беланчакдек уя солган зарғалдоқ ҳамда иккита чўпни бир-бирига қўйиб, уя қуриб бола очган мусича ҳам келажак учун зурриётлар қолдириб, фарзандларига ҳам ўз ҳунарларини ўргатар эканлар. Ана шу удум авлоддан-авлодга, наслдан наслга ўтиб келаверар экан. Аммо махлуқ чаён эса уя ҳам қурмас экан. Чунки чаён болалари она қорнида онани еб битириб, сўнг ҳаётга қадам қўяр экан. Бу ёш чаёнлар улғайиб, она бўлиш арафасида... ўзи дунёга келтирган болаларига емиш бўларкан. Қайтар дунё. Нақадар ўринли айтилган...

**Ўлмас КАРИМОВ,**
Калинин ноҳиясидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

## ХАНДАЛАР

### ҚАЙНОНА

ЯНГИ уйланган йигитдан дўстлари сўрашди:

— Хўш, оилани ким бошқаряпти, сенми ёки келин қўлга олдими?

— Ҳозирча қайнонам.

### МУСОБАҚА

— Бугун боғчамизда алла айтиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди, — деди беш ёшли Зулхумор онасига.

— Қайси боғча опанг ғолиб чиқди?

Улар билишмас экан. Тўртинчи қаватда турадиган Раъно бор-ку, ўша бувисидан ўрганган аллаларини айтиб биринчи ўринни олди.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**

## ҚАТРА

● *Куёв-келинлар учун*

# УНУТИЛГАН ҒАЗАЛЛАР

БУНДАН анча йиллар муқаддам қиз тўйлари ҳозирги тўйлар — шовқинли «вечер»ларга ўхшамас, ичкилик эса мутлақо дастурхонга тортилмас, унга ҳожат ҳам йўқ эди. Қиз болани узатишдан бир кун аввал йигит ўз жўралари билан қизникига ташриф буюришарди. Алоҳида уй фақат йигит ва қизлар учун ажратилиб, ўртага дастурхон безатилар, шундан кейин ғазал кечаси бошланар эди. Кечани асосан янгалар бошқарар эдилар. Қанчалик қизиқарли ўтишидан улар манфаатдор бўлиб, куёвдан совға олишарди. Агар янгалар фаоллик кўрсатишмаса икки томон ҳам янгалардан ҳафа бўлишарди.

Ёдимда қолган ана шундай кечалардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчиман: узоқдан сурнай ва ноғора овозлари эшитилади. Болалар, ҳатто хотин-халажлар ҳам «қуёв келаяпти» деб йўлга пешвоз чиқадилар. Куёв ўз жўралари билан бироз ҳовлида ўйин қилгач, ўзлари учун ажратилган уйга киради. Уйда келин дугоналари билан ўтирган бўлади. Шундан кейин ғазал кечаси бошланади. Бунинг учун чой келтирилиб биринчи пиёла куёвга узатилади. Бу куёвни синаш удуми бўлиб, қуёв муносиб жавоб қайтарса, унинг билимдон ва фаросатли экани сезилади:

**ЯНГА:**

Ғазал айтиб чой узатай қўлингизга,
Неча кундир интизормиз йўлингизга.
Куёв бола таниб олинг, янгангизман,
Янга бўлиб умидвормиз тангангиздан.

**КУЁВ:**

Чойингизни ичиб бўлдим, раҳмат янга,
Янгаларнинг дарди бўлар доим танга.
Қизингизни севиб қолдим, гуноҳим шу,
Сиздан кейин чой узатсин ўзи манга.

Энди келиннинг дугонаси ғазал айтиб куёвжўрага чой тутади:

**ҚИЗ:**

Куёв жўра бўлиб кепсиз, танишайлик,
Бирталашиб байту-ғазал айтишайлик.
Қолиб кетсак уялтирманг асло бизни,
Илтимосим, айтақолинг исмингизни.

**КУЁВЖЎРА:**

Менинг исмим Искандардир билиб қўйинг,
Ерда турган чопонимни илиб қўйинг,
Агар кўнгил бизда бўлса чиройли қиз,
Рўмолингизни кўтариб кулиб қўйинг.

**ҚИЗ:**

Танишмасдан буйруқ бериш инсофданми,
Синамасдан севдим дейиш инсофданми.
Севги умр савдосидир ўйнашмангиз,
Бир кўришда севиб қолиб адашмангиз.

**КУЁВЖЎРА:**

Сўзларимдан қизармасин юзларингиз,
Ёқиб қолди менга шаҳло кўзларингиз.
Мафтун бўлдим исмингизни айта қолинг,
Шоирмисиз, бунча ширин сўзларингиз.

**ҚИЗ:**

Ойсанам деб атамишлар отларимиз,
Жағалбайли уруғидан зотларимиз.
Совчи қўйиб сарсон бўлиб юрманг, йигит,
Синамасдан қиз бермаймиз ётларга биз.

**КУЁВЖЎРА:**

Ет демангиз, ёт эмасмиз сизларга биз,
Сизлар ичган бўз ариқдан сув ичамиз.
Куттирмасдан айтаверинг шартингизни,
Бу юракдан ўчмас бўлиб жой олдингиз.
Қиз: Сиз енгдингиз не дейишим билмай қолдим.
Куёвжўра: Кўнгил экан излаб, сизни топиб олдим.
Қиз: Ой далада ўйнаб юрган қиз боламан,
Куёвжўра: Елқаси ер искамаган бўз боламан,

**Тожихон КАРИМОВА,**
Бўка ноҳиясидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси.

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

● МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРИ ВА ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

● АЖОЙИБ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

● ҚАТЪИЙЛИК САМАРАСИ

ТАБИАТ НАЗОРАТЧИЛАРИ ҲАРАКАТДА

# ИЖРОҚЎМ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛДИ

БЎКА ноҳия ижроия қўмитаси бундан икки йил муқаддам махсус қарори билан ноҳия ҳудудидаги қишлоқ хўжалик экинларига турли ишлов беришда фойдаланиладиган тайёралар манзилгоҳи эгаллаган майдоннинг 12 гектарини сабзавот-мева етиштирувчи ширкатга берди. Ильич номли жамоа хўжалиги теграсидаги бу майдонни ширкат аъзоларидан 36 та оила дарҳол ўзлаштиришга киришди, улар умид билан сабзавот етиштира бошладилар. Мева дарахтлари кўчатлари ўтқазабошладилар.

Бундан хабар топган ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ижроқўмга қатъий норозилик билдирдилар ва ширкат фаолиятини дарҳол тўхтатишни талаб қилдилар. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Бу ернинг заҳарланганлиги аниқ эди. Чунки тайёрагоҳ неча йиллардан бери турли-туман кимёвий ўғитлар, заҳарли моддалар сақланган ва тайёраларга ортилган эди.

Шуни ҳисобга олган табиат назоратчилари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш қидирув-лойиҳалаштириш станциясига ширкат эгаллаган майдон тупроқ таркибини текшириб беришни сўраб мурожаат қилишди. Станция ходимлари тайёрагоҳ майдонининг тупроқ таркибини текширишганида назоратчилар гумони тўғри бўлиб чиқди, яъни ҳар бир килограмм тупроқ таркибида 1 миллиграмм гцгх дориси борлиги аниқланди. Бу белгиланганидан 10 баравар зиёд. Ҳолбуки, узоғи билан ҳар бир килограмм тупроқда 0,1 миллиграмм, ёки бир миллиграммнинг ўндан бир бўлаги бўлиши мумкин эди.

Ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Муътабар Холиқова, қўмитанинг давлат назоратчилари Камолиддин Қурбонов, Илҳомжон Одилов, Сувватилло Абдумаликовларнинг саъи-ҳаракатлари зое кетмади. Шу йилнинг 2 октябрида ноҳия прокурори М. Эргашев номига шикоят хатлари асосланди, прокуратура ҳам ширкатнинг фаолиятини дарҳол тўхтатишни маъқул, деб топди.

Ноҳия ижроқўми ўзининг бундан икки йил олдин чиқарган қарорини бекор қилишга мажбур бўлди.

Чунки неча йиллар давомида турли хил заҳарли кимёвий дорилар сақланиб, суюлтирилиб тайёраларга солинадиган бу майдон тупроқ таркиби бузилиб кетган эди.

Ҳозир бу тайёрагоҳ эгаллаган майдоннинг катта бир қисми ширкатдан ноҳия йўл қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ихтиёрига олиб берилди. Бошқарма бу ердан тош-шағал қазиб олади ва ўрнини ўн йил мобайнида тоза тупроқ билан тўлдириб беради.

Р. СОБИРОВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси матбуот маркази мудири.

# ШУ ҲАМ ИНСОФДАНМИ?

(ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДАН)

ҚИШЛОҚ хўжалигида минерал ўғитлари, турли хил зараркунандаларга қарши курашда заҳарли химикатлар ниҳоятда кўп ишлатилмоқда. Жумҳуриятимиздаги каби пойтахт вилояти жамоа ва давлат хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналарда деҳқончиликни кимёлаштириш узоқ йиллар давомида тўхтовсиз давом этмоқда. Айниқса, кимёвий моддаларни ишлатишда агрокимё картограммаларини ҳисобга олмаслик авж олиб кетган. Буларнинг ҳаммаси жойларда атроф муҳитнинг кескин ёмонлашишига олиб келмоқда, аҳоли саломатлигига путур етказяпти, турли хил касалликларнинг тарқалишига сабаб бўляпти.

Бундай аҳвол тобора катта ташвиш туғдирмоқда. Унинг олди олинмаса минерал ўғитлари ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган заҳарли химикатлардан фойдаланишда қоида-тартибга амал қилинмаса, умуман кимёвий моддаларни ишлатишни камайтириш йўллари изланмаса у ижтимоий ҳаёт учун янада оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти Тошкент вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги пленумида бу муҳим муаммо атрофлича муҳокама қилинганлигининг сабаби ҳам шунда. Унда пойтахт вилоят қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш — ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Й. Тожибоевнинг «Заҳарли химикатлар, минерал ўғитларини сақлаш ва фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик усул қўлланилишининг аҳволи ҳақида» мавзусидаги маърузани тинглади.

Маърузачи ва музокараларда иштирок этган нотиқлар шуни таъкидлашдики, қишлоқ хўжалигининг ҳозирги юксак ривожланиш даражасини кимёвий ўғитлар ва пестицидларсиз таъминлаш мумкин эмас. Бироқ улардан ниҳоятда омилкорлик билан, ҳар томонлама мушоҳада қилиб, эҳтиёткорона фойдаланиш лозим. Бу йўлда айрим ишлар қилинмоқда. Лекин буларнинг ҳаммасини денгиздан томчи, дейиш мумкин, холос. Унинг кўлами ҳали жуда-жуда кам.



Пленумда минерал ўғитлари ва заҳарли химикатларни сақлаш ва ишлатишда катта-катта камчиликлар борлиги таъкидланиб, бундан буён уларга йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Бундай моддаларни ишлаб чиқариш корхоналаридан жўнатишдан тортиб то тупроққа солишгача бўлган ҳамма жараёнлар қониқарсиз ташкил этилганлиги ҳақида ташвишланиб гапиришди.

Бунинг оқибатида сабзавотларда, айниқса полиз экинларида, деҳқончиликнинг озиқ-овқат учун мўлжалланган бошқа маҳсулотларида нитратнинг тўпланишига йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ҳатто бир неча баравар ортиқ бўлаяпти. Нотиқлар шундай мисол келтирдилар. Жорий йилимизнинг биринчи ярмида вилоят бўйича етиштирилган турли хил озуқабоп қишлоқ хўжалик экинларининг намуналари 535 марта текшириб кўрилган. Уларнинг бир юз ўн тўққизтасидан кони заҳар — нитрат нормадагидан анча ортиқлиги маълум бўлди.

Минерал ўғитлари ва заҳарли химикатларни ташишдаги аҳвол ҳам қониқарсиз. Тартибга мувофиқ улар махсус ускуналанган автотранспорт воситаларида ташилиши лозим. Бунга деярли амал қилинмайди. Шуни айтиш кифояки, минерал ўғитларнинг қирқ фоиздан ортиқроғи жамоа ва давлат хўжаликларига қарашли автомашиналарда ташиляпти. Улар эса бундай маҳсулот ташишга умуман мослашмаган. Натижада минерал ўғитлари ва захарли химикатлар ташиш вақтида ҳам тўкилиб-сочилиб йўқотилмоқда.

Йиғилишда бундай моддалар сақланадиган омборларнинг етишмаётганлиги катта ташвишга сабаб бўлаётганлигини уқтиришди. Бунинг устига мавжуд омборларнинг аксарияти минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни сақлашга мослаштирилган. Кўпгина хўжаликларда улар очиқ ҳавода сақланмоқда, ҳатто ёғин-сочин кунларида ҳам қолиб кетяпти.

Кейинги йилларда кимёвий моддалар сақлашга мўлжалланган бинолар қурилишига эътибор берилмай қўйилганлигини ҳеч қандай сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Ўтган йил давомида вилоят хўжаликларида минерал ўғитлар сақланадиган бор-йўғи иккитагина омбор қурилганлигини нима дейиш мумкин? Ваҳоланки, мавжуд 311 та омборнинг фақатгина 83 таси шу мақсадга мўлжалланган бўлиб, 228 таси мослаштирилгандир.

Маърузада ва нутқларда минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни сақлаш ва ишлатишдаги бошқа нуқсонлар ҳам очиб ташланар экан, бу соҳада таркиб топган номақбул вазият учун аввало хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислар, ноҳия ва вилоят миқёсида шу ишга мутасадди бўлган мансабдор кишилар жавобгар эканликлари айтилди. Чунки бу офатга кўпинча масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Айни вақтда маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш кенгашлари бу муҳим ишда суст иштирок этаётганликлари, аҳолини экологик тарбиялаш ишларини ниҳоятда қониқарсиз олиб бораётганликлари, минерал ўғитлари ва заҳарли химикатларни ўйламасдан, палапартиш ишлатиш кишилар саломатлигига путур етказишини ҳар бир киши онгига сингдиришнинг барча воситаларидан самарали фойдаланмаётганликлари қайд қилиб ўтилди.

Пленумда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жумҳурият жамияти раиси О. Алимов нутқ сўзлади.

М. МАҲМУДОВ.





● Ушбу суратлар Бўка ноҳиясидаги Жамбул номли (юқорида), Ҳамза номли (пастда чапда) ва Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжаликларида минерал ўғитлари ва заҳарли химикатлар нотўғри сақланаётганлигидан далолат беради.

Сураткаш Қ. ҚУРБОНОВ.

*• Акс-садо •*

# «ТЕРАКЗОРЛАР ЯРАТАЙЛИК»

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг шу йил 29 сентябрь шанба сонида мазкур сарлавҳали хабарни ўқиб ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ўринлидир. Шаҳримизнинг катта кўчаларини кезарканман София кўчасининг ўзида 200 тупдан ортиқ иморатбоп теракларни кўрдим. Оржоникидзе ноҳиясидаги Улуғбек қўрғонида, Ботаника санаторийсида ҳам икки-уч минг тупдан ортиқ иморатбоп тераклар бор. Уларнинг анчагина қисмини кесиш мумкин.

Бу етилган теракларнинг бундан буён чириши, қуриши турган гап, чунки улар ҳам «кексаяди». Улар уй-жой қурувчиларга сотилса, икки томонлама фойда-ку, ахир. Бу теракларнинг айримлари ўз вақтида кесиб фойдаланилмагани учун чириб қуримоқда. Тошкент, Янгийўл, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен ва бошқа шаҳар ҳамда ноҳиялар марказларидаги кўчаларнинг икки томонига ҳамда хўжаликларнинг катта йўлларида қалинроқ қилиб терак кўчатлари ўтқазилса айни муддао бўларди. Улар ҳадемай уй-жой қурилишига яроқли бўлиб етиларди.

Айрим кишилар «Кўчадаги дарахтлар кесилса атроф муҳит ҳавосига, экологиясига зарар бўлмайдими?» деб савол беришлари мумкин. Авваламбор, тераклар бирданига кесилмаслиги керак. Етилганларини оралатиб кесиш лозим бўлади. Сўнггиларини кесгунча аввал кесилганлари илдизидан кўкариб яна ёш тераклар бўй чўзиб қолади.

Катта кўчаларга терак экишни яна бир хислати борки, терак тик ўсгани учун электр симларига ҳалақит бермайди. Иккинчи хислати у бошқа дарахтларга нисбатан чанг-ғуборларни кўпроқ ютиб ҳавони тозалар экан.

Келинг, ҳамюртлар, теракларни кўпроқ экиб, об-ҳавони тозалайлик. Бинокорларга ёғоч-тахтани шу йўл билан кўпайтирайлик. Бу катта имкониятдан оқилона фойдаланиш даркор. Ёғоч-тахта каби бинокорлик материалларининг танқислигини шу йўл билан бироз юмшатиш мумкинлигини ҳисобга олайлик.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими.

*• Ҳар тўғрида*

## 200000 БАРАВАР ШИРИН

● ФРАНЦУЗ кимёгари К. Нофр ва Ж. Тинтилар қанд ўрнини босадиган қатор янги ширинликлар яратдиларки, улар сахарозага нисбатан 200 минг баравар ширindir. Олимлар ширинлик даражасининг энг сўнгги нуқтасига етдик, деб ҳисоблашмоқда. Бу моддалар шунчалар фаолки, унинг биргина молекуласи тилда ширин таъмни ҳосил қилади.

Американинг «Нъютрасант» фирмаси ҳар томонлама синовдан кейин бундай бирикмаларнинг бирини 1993 йилдаёқ бозорга етказиб беришни режалаштирди.

# ҚУЙЛА МЕНИНГ, ДУТОРИМ!



Кўкда қуёш тинглар, юлдуз, ой
тинглар,
Оқишдан тўхтару тошқин сой тинглар,
Олам тароватли бир чирой тинглар
Ҳасан Ражаб оға қўшиқ қуйласа.

Дунё қувончлари эгиз туғади,
Ғунчалар юзини шабнам ювади,
Қалбларда муҳаббат-меҳр қуйади
Ҳасан Ражаб оға қўшиқ қуйласа...

Сураткаш С. МУСАЕВ.

*● Шарқ мамлакатлари рўзномалари саҳифаларида*

# СОЧ ДОРИСИ

**● ҲОЗИРГА қадар яратилган шифобахш дори-дармонлар қаторига яна бир янги дори қўшилди ва жаҳонда кенг тарқалди. Бу дори соч тўкилишининг олдини олиб соч ўсишига омил бағишлайди.**

Янги дори Белоруссиядаги тиббий илмий-тадқиқот илмгоҳида яратилган. Мазкур дори-дармон дуруст самара беришига уни ихтиро этган олимларнинг ишончи комил.

Арча ҳамда қарағай дарахтларидан ҳосил қилинган 56 номдаги табиий бирикмалар янги дори учун асос қилиб олинган. Дорини ишлатиш усули жуда жўн: сочни ювиш учун ишлатиладиган шампунга ана шу бирикмадан бир неча томчи қўшилади, сўнгра у бошга суркалади. Бошни бармоқлар билан худди массаж қилингани каби ишқалаш лозим бўлади. Шунда дори бош терисига сингий бошлайди. Аммо у мутлақо зарарсиздир. Унинг таркибида бирон-бир зиён етказувчи моддалар йўқ, аллергияни келтириб чиқармайди.

Ихтирочиларнинг фикрича, соч томири жонсиз бўлиб қолган тақдирда дори унга ёрдам бера олмайди. Борди-ю, соч томирларида тириклик нишонаси сақланиб қолган бўлса, у ҳолда янги дори бу томирларга хаёт бахш этади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, сочи тўкилиб кетган айрим кишиларга мазкур дори суркалганида уларнинг сочи қалин бўлиб ўса бошлаган, бошқа баъзиларида бошдаги пўст ташлаш йўқолган, учинчи гуруҳ одамларнинг бошидаги ўнқир-чўнқир жойлардан эса янги сочлар ўсиб чиққан.

# РАКНИНГ КУШАНДАСИ НИМА?

**● РУМИНИЯДА яшовчи ва рак касаллиги билан шуғулланувчи бир мутахассис ғаройиб тадқиқот ўтказди. У қишлоқ жойларда фаол турмуш кечирадиган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадиган одамларнинг рак касаллигига мойиллиги даражасини аниқлаш устида иш олиб борди.**

Тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, лўлилар билан дайдилар рак касаллигига энг кам чалинадиганлар тоифасидан экан. Ҳолбуки, бу тоифадаги одамларнинг кўпчилиги тамаки чекади, кам витаминли оддий озиқ-овқатни истеъмол қилади.

Руминияда яшовчи лўлиларнинг 250 дан зиёд оиласи тахминан икки йил давомида кузатиб борилди. Натижада уларнинг рак касаллигига ёки бошқа хавфли касалликларга чалиниши ҳодисаси жуда камдан-кам учраши аниқланди. Бунинг сабаби — ана шу тоифадаги одамларнинг турмуш тарзи ўзгача эканлигидадир, яъни улар доимо ҳаракатда бўлишида, деб тушунтирмоқдалар.

Одамлар зич яшайдиган шаҳарлар ва районларда, шунингдек камбағаллар яшайдиган даҳаларда рак ҳамда бошқа касалликларга чалиниш ҳоллари кўпроқ учрайди, чунки бу жойларда ҳаводан эркин нафас олиш учун унчалик дуруст шароит йўқ, бунинг устига кундалик турмуш кечириш шароити ҳам яхши эмас. Бундан ташқари, касалликка тез чалинишга шу жойлардаги бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

Лўлиларнинг қишлоқ жойларда оддий турмуш тарзини, соф ҳавони хуш кўриши, асабни бузадиган қизғин ишлардан нарида бўлиши, спиртли ичимликларни ичиш ва гиёҳвандликдан ўзларини асосан тия билиши, булғанган шаҳар ҳавосидан ҳоли бўлиши ва бошқалар, улар орасида касаллик пайдо бўлмаслигига кафолат беради. Ўтказилган тадқиқотлар худди ана шундан далолат бермоқда.

**(Сурия, «ТИШРИН» рўзномасидан).**

**Арабчадан Беҳзод РАСУЛОВ таржимаси.**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

**ҚУТБ ЮЛДУЗИ ХУСУСИЯТИ**

**● ФАЛАКИЁТ аҳли ўтган асрнинг ўрталарида Қутб юлдузининг ёруғлиги вақти-вақти билан қисман ўзгариб туришини аниқладилар. Кейинчалик бунинг сабаби ҳам маълум бўлди. У юлдузнинг ҳар тўрт кунда кўлами ингичкалашиб ва катталашиб туриши билан боғлиқ экан. Бу асримизнинг 70-йиллари ўрталаригача деярли бир маромда такрорланиб турган. Бироқ кейинчалик Қутб юлдузи диаметрининг тебраниш миқёси тез камая бошлади. Сўнгги ўлчовлар бу юлдуз 1992 йилдан доим ёруғ бўлиб туришидан далолат беради.**

**БАРГЛАРДА «ИНСОН ҲИДИ»**

**● ҒАРБИЙ Германияда ёввойи ҳайвонлар автомобиль йўлларига чиқмаслиги ва шаҳарларда санғиб юрмаслиги учун кўчалар ва шаҳарлар четлари атрофига ғовакли пластмассадан ясалган ва «инсон ҳиди» сингдирилган махсус нарсаларни жойлаштиришади. Бу кимёвий қўриқчилар сунъий барглар шаклида тайёрланиб, дарахтларнинг пастки шохларига, буталарга осиб қўйилади. Жониворлар уларга сингдирилган ёғ кислотаси, аммиак ва инсон терига хос бўлган бошқа ҳидларни дарров пайқайди. Паррандалар бу ҳиддан чўчишмайди, аммо қобонлар, лослар, қуёнлар, кийиклар йўллар ва кўчаларга чиқмай қўядилар, автомобиллар билан тўқнашмайдилар.**

# *ЯНГРА, ҚЎШИҚ*

**● «ТОШКЕНТДАГИ «Наво» ансамбли мусиқа муҳлислари эътиборига янги программани ҳавола этди. Бу программа «Ассалому алайкум!» деб номланди.**

**Владимир Бараников раҳбарлигидаги мазкур жамоа 12 йилдирки эстрада мусиқасини, ўзбек халқ қўшиқларини кенг тарғиб этиб келмоқда. Янги ижро мундарижасига хусусан хоразм халқ қўшиқлари — «Ёр-ёр», «Қора қош» ва замонавий тус берилган бошқа куйлар киритилган. Яккахон хонандалар — ёш ижрочилар Бутуниттифоқ танловининг совриндори Кумуш Раззоқова, ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлардир. Ансамбль Австрияга, Швейцарияга, Эфиопияга, Мадагаскарга бориб келди, «Осиё овози» халқаро танловида, «Эгизаклар-90» телефестивалида иштирок этди.**

**(ЎзТАГ).**

**Муҳаррир Н. НАСИМОВ.**


*● Эълонлар бурчаги ●*

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қорнёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ
КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ
КОНЦЕРТИ
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
25 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА
Хитой Халқ Жумҳурияти Шинжонг уйғур автоном ноҳиясининг
АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
ҳамда хонанда
ПОШША ЭШОН
иштирокида
КУЙ ВА ҚЎШИҚ БАЗМИ
Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Д. — 1906. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12